Рос. книжная палата УзССР
Р 90894

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 6 август, шанба № 125 (21.729). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвири (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 август куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси, «Мицуи» компанияси Президенти Наохико Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов мулоқот чоғида «Мицуи» компаниясининг фойдали қазилма конларини замонавий ускуналар билан таъминлаш, телеалоқа тармоқларини такомиллаштириш, шунингдек, молия, тўқимачилик саноати, хусусан, ипакчилик соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик режаларини қўллаб-қувватлашини айтди. Бу борадаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш учун яқин орада тегишли дастур тасдиқланиши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

— Пахтани қайта ишлаш бўйича қўшма корхона тузиш таклифингиз жуда ўринлидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Зотан, пахта макони бўлган юртимизда бу соҳада тез фурсатда катта муваффақиятларга эришилишига шубҳа йўқ.

Жаноб Н. Кумагаи самимий қабул учун республикамиз Президентига мамнуниятини изҳор этди. «Мицуи» компаниясининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги келгусида яхши самаралар беришига ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Маросимда Японияннинг мамлакатимиздаги фавқулоддa ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди. (ЎзА).

Шу кунинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Ишбилармонлик*

ЎЗИНГДА БОРИГА НИМА ЕТСИН?

Хўжаликнинг ўзида қўй терриси, қоракўл ва жунни қайта ишлашга имконият яратилди-ю, иқтисодиёти ўнгдана бошлади. Бойси, «Сармиш» қоракўлчилик жамоа хўжалиги ўз заводига эга бўлганидан.

Ҳамқишлоқлар ишлаб чиқариш корхонаси қурилганидан мамнун. Хориждан келтирилган асбоб-ускуна ва технология билан жиҳозланган кичик заводда атиги 15 нафар киши меҳнат қилишига қарамай, самараси катта. Кунига 300 та қоракўл тери, 100 та қўй терриси ошланиб, харидоргирлиги таъминланмоқда. Қисқа вақт ичида бу корхона хўжаликка 50 миллион сўм фойда келтирди.

Бу ерда териларга ишлов бериш билан бирга қоракўл ва қўй терисидан телпак, пўстин, аёллар пальтоси, қоракўл ёқалар тикиш ҳам йўлга қўйилган. Завод ихтиёридаги ана шу цехда меҳнат қилаётган Н. Тошев, У. Мардонов каби тикувчилар ибрат кўрсатишмоқда. Шунингдек, қўй жунидан гулдор кигизлар ишлаб чиқарувчи кичик корхона ҳам фойдаланишга топширилди.

Йилига 2 мингта кигиз ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳар қалай, чўпон-чўлиқлар кигиз, пўстин, телпак, ташвишидан қутулишди. Чорвадорлардан ортган маҳсулотлар эса Учқудуқ, Зарафшон, Навоий туманлари савдо дўконларига ҳам етказиб берилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қулайлик*

АРЗОН НАРХЛАРДА

● ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Бешариқ деҳқон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари доимий ярмаркаси ишлаб турибди.

Тумандаги жамоа хўжаликлари деҳқончилик ширкатлари ва фермер хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот, гўшт, сут, тухумнинг режадагидан ортиқ қисми якшанба бозорига олиб чиқилмоқда. Ўтган ойда туман қишлоқ хўжалик корхоналари мазкур бозорда юз тоннадан ортиқ картошка, шунча сабзавот, 150 тоннага яқин сархил меваларни арзон нархларда сотишди. Чорвачилик корхоналари ва қатор хўжаликлар 10 тоннага яқин гўштни 20—22 сўмдан пулладилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

• *Ҳуқуқ-тартибот*

ИНСОН, ҚОНУН ВА ҲАДИС

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шеробод тумани прокуратураси биносида «Инсон, қонун ва ҳадис» деворий газетаси осилгиқ туради. Унда «мўъмин киши хиёнат қилмайди», «ҳар бир озор берувчи дўзах оташида бўлади» каби битикларни учратиш мумкин.

Прокуратура ходимлари маҳаллий матбуот орқали чиқишлар, маҳалла ва жамоалар билан учрашувларда ҳуқуқ-тартиботни ҳадисий ғоялар билан уйғунлаштирмоқдалар.

Туманда қонунбузарлик тобора камаймоқда. 1992 йили 223 марта қонунбузарлик ҳодисаси қайд этилган бўлса, ўтган йили бу рақам 171 тани ташкил этди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса ўтган йилдагидан 9 марта кам тартиббузарлик ҳодисаси юз берганлиги маълум бўлди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

• *Қишлоқ саноати*

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида янги иш ўринлари яратилмоқда.

Қисқа вақт ичида бу ерда пишиқ ғишт тайёрловчи завод, шампунь цехи, кийимкечак, рўмол, аёллар сумкаси каби 30 дан зиёд турдаги маҳсулот тайёрловчи «Сабина» корхонаси ишга тушди. Шунингдек, ипак гилам тўқиладиган Афғонистон — Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳам маҳсулот бера бошлади. Уларнинг барчаси аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШДИЛАР

БИШКЕК, 5 АВГУСТ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АМИРҚУЛ КАРИМ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов 5 август куни Марказий Осиёдаги уч мамлакат Бош вазирлари кенгашининг дастлабки учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти — Бишкек шаҳрига келди.

Ҳукумат уйида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири С. Терешенко, Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумағулов ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Унда уч қардош мамлакат Президентларининг Алматидаги учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувга мувофиқ ўзаро алоқаларни кенгайтириш, хусусан, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Бош вазирлар кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда уч мамлакат Президентларининг 8 июль куни Алматида бўлиб ўтган учрашуви чоғида таъсис этишга келишилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки низоми ҳамда давлатлараро кенгаш иҳроия қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари тасдиқланди. Бош вазирлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралар сўнгида уч республика Бош вазирлари фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладилар.

А. Муталов, С. Терешенко ва А. Жумағулов журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокара натижалари хусусидаги саволларига жавоб қайтардилар.

САҲОВАТ

Самарқанд шаҳридаги 59-ўрта махсус мактаб-интернатда таълим олаётган болалар учун билим даргоҳининг ҳисоб рақамига Самарқанддаги «Зарафшон-1» ҳиссадорлик савдо уюшмаси жамоаси икки юз сўм миқдорда 14-автобуслар саройи маъмурияти эса беш юз сўм миқдорида пул ўтказишди.

Шунингдек, мазкур автобуслар саройи томонидан махсус транспортлар ажратилиб, мактаб-интернат ҳузурида ташкил этилган ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган болаларни Ургут туманининг сўлим масканларидан бири ҳисобланмиш Омонқўтон тоғ тизмаларига саёҳатга олиб боришди.

Акбар ҲАЙДАРОВ.

* *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА САВДО-ХАРИД УЮШМАСИ «ЎЗТАЙЁРЛОВСАВДО»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини мева-сабзавот маҳсулоти билан барқарор суръатда таъминлаш, жамоа хўжаликлари, ижарачилар, деҳқон, фермер хўжаликларида ва аҳоли етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи харид тизимини ривожлантириш, савдо-харид фаолиятида рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш мақсадида:

1. Республика «Ўзкооптайёрловсавдо» кооператив бирлашмаси кенгашининг мазкур бирлашма негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича Ўзбекистон хусусий ва жамоа корхоналарининг республика савдо-харид уюшмаси («Ўзтайёрловсавдо»)ни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси:

юридик шахс ҳуқуқлари берилган хўжалик уюшмаси бўлиб, пайчилик асосларида жамоа корхоналарини ва хусусий тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштиради ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида ташкил этади;

Ўзининг айланма маблағлари, шунингдек банкларнинг қарзга берадиган маблағлари ҳисобидан иш юритади (маҳсулот сотишдан тушадиган даромад, хусусийлаштиришдан олинган маблағлар ва шу ўз айланма маблағларининг манбалари бўлади).

3. Республика савдо-харид уюшмаси «Ўзтайёрловсавдо» зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Республика аҳолисига аввало деҳқон бозорлари ва ярмаркаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари узлуксиз сотилишини таъминлаш;

Жамоа хўжаликлари, ижарачилар, деҳқон хўжаликлари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва иккиламчи хом ашё тайёрлаш, шунингдек уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкил қилиш;

Эҳтиёж ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, маҳсулот тайёрловчиларнинг рақобатчилиги асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш имкониятларини яратиш;

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қорақалпоғистон «Кооптайёрловсавдо» республика бирлашмаси, вилоят «Кооптайёрловсавдо» бирлашмалари ва Тошкент шаҳар «Коопбозорсавдо» бирлашмаси негизида ҳудудий савдо-харид уюшмаларини ташкил этишни белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий савдо-харид уюшмалари ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот берадилар ҳамда «Ўзтайёрловсавдо» уюшмасининг муассасалари ҳуқуқи билан унинг таркибига киради.

5. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзкооптайёрловсавдо» бирлашмасининг корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 20 январдаги 44-сон ва 1993 йил 11 августдаги 402-сон қарорлари бажарилишини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этиб, мулкчилик шаклларини ўзгартириш чоғида расмиятчилик ва суиистеъмолчиликларга йўл қўйиб бўлмасликка алоҳида эътиборни қаратсин.

Комиссиялар хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиб, объектлар ўзлари жойлашган ер участкалари билан биргаликда асосан хусусий мулкка айлантирилишини кўзда тутсинлар.

Комиссия ишининг натижалари бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилсин.

6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича хусусийлаштирилган корхоналарнинг ташаббускорлиги ва омилкорлигини ривожлантириш мақсадида уларга иқтисодий мустақиллик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва акционерлик-тижорат банклари уюшма корхоналарига қонунда белгиланган тартибда тегишли кафолатлар ёки гаров бериш шарти билан зарур кредитлар ажратиб берилишида уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватласин.

7. Анъанавий бозор муҳитини қайта тиклаш мақсадида, халқнинг турмуш тарзини ҳисобга олиб, 1994-1995 йиллар давомида барча деҳқон бозорлари қайта қурилиши таъминлансин. Ана шу мақсадлар учун биринчи галда бозорларнинг ўз маблағлари сарфланиб, улар 1996 йилнинг 1 январигача республика ва маҳаллий бюджетларга солиқ тўлашдан озод қилинсин.

Ушбу иш бажарилиши учун шахсий жавобгарлик республика шаҳар ва туманлари ҳокимларининг зиммасига юклансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида мазкур Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

9. «Мева-сабзавот маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича республика кооператив бирлашмаси («Ўзкооптайёрловсавдо»)ни ташкил этиш тўғрисида» 1991 йил 8 майдаги Фармон ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 4 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Президент жаноби олийлари,

Самимий мактубингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришдан жуда мамнунман. Бу мактубингиз шу йилнинг май ойида расмий меҳмон сифатида Японияда бўлган кунларингизга боғлиқ илиқ хотираларни уйғотди.

Шахсан мени император ҳазрати олиялари ва валиаҳд шаҳзода ҳамда малика билан биргаликда серқуёш Ўзбекистонга таклиф этганингиздан самимий миннатдорлигимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Бу ташрифни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги қарор Япония давлат идоралари томонидан кўриб чиқилади.

Мен чин қалбимдан мамлакатларимиз ўртасидаги самимий дўстлик ва ўзаро фойдали ҳар томонлама ҳамкорлик оғишмай ривожланиб, мустаҳкамланиб боришини тилайман.

Кези келганидан фойдаланиб, жаноби олийлари, Сизга самимий ҳурматимни изҳор этишга ва шахсан Сизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

АКИХИТО,
Япония императори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

1994 йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида навбатдаги савдо бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операция қилиш ҳуқуқига эга бўлган олтита банки иштирок этди.

Сотилган умумий пул миқдори 1,45 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1 АҚШ долларининг қиймати 11,02 сўм миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 6 августдан бошлаб ҳисобга олиш ва бож тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади x)

1 австралия доллари	8,17
1 австрия шиллинги	0,99
1 англия фунт стерлинги	16,92
10 бельгия франки	3,37
1 голландия гульдени	6,18
10 греция драхми	0,46
1 дания кронаси	1,76
1 АҚШ доллари	11,02
1 миср фунти	3,26
1 ирландия фунти	16,59
1 исландия кронаси	0,16
10 испания песети	0,84
100 италия лираси	0,70
1 канада доллари	7,92
1 қувайт динори	37,32
100 ливан фунти	0,66
1 германия маркаси	6,94
1 норвегия кронаси	1,59
10 португалия эскудоси	7,31
1000 туркия лираси	0,35
1 финляндия маркаси	2,11
1 франция франки	1,42
1 швеция кронаси	8,22
1 ЭКЮ	13,25
10 ялония иенаси	1,10
1000 россия рубли	5,30
1 эстония кронаси	0,88
1000 украина карбованеци	0,57
1 латвия лати	20,07
1 литва лити	2,76
1 қозоғистон тенгеси	0,24
1 молдова лейи	2,67
1000 беларусь рубли	0,39

x) хорижий валюталарнинг қиймати белгиланган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бу валюталарни мазкур қийматда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 6 августдан бошлаб махсус алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг тижорат қийматини қуйидагича белгилади:

Сотиб олиш қиймати: бир АҚШ доллари учун 19 сўм

Сотиш қиймати: бир АҚШ доллари учун 21 сўм.

• *Газета жавоб кутади*

НЕГА СУКУТ САҚЛАЙСИЗ?

Газетамизнинг шу йил 17 март сонида мухбиримиз Мусо Каромовнинг **«Жумбоқни ким ечади?»** сарлавҳали мақоласи эълон қилиниб, унда Қарши шаҳар Сельская кўчаси 4-кўп қаватли уйни иситиш масаласи ҳал бўлмай, сансалорликка йўл қўйиб келинаётганлиги кескин танқид қилинган. Ушбу мақолада тилга олинган жумбоқни ҳал этиш эса **ҚАРШИ «ИССИҚЛИК МАНБАИ» БИРЛАШМАСИГА** ҳавола этилган эди. Афсуски, ҳокимиятдаги мутасаддилар ҳамон аҳолининг бу ҳақли талабига жавоб беришни ўзларига эп кўрмай келяптилар.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасининг 1994 йил 10 февраль сонида чиққан **«Қулайликми ёки...»** мақоласида Касби туманидаги Қарши шаҳрига қатновчи автобусларнинг кўринмай қолаётганлиги айтилган эди. Аммо **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЙУЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТРЕСТИ** раҳбарлари «Йўл азоби — гўр азоби» деган халқ нақлининг маъзини чақиб кўрмаган, шекилли, газетанинг бу чиқишига ҳам шу пайтгача миқ этишмади.

Мухбиримиз Даврон Баҳронов Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги «Истиқбол» ва «Пахтакор» жамоа хўжаликларида газлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ўлда-жўлда эканлигини **«Аҳил бўлсак, тоғни йиқамиз»** (21.06.94) мақоласида таъкидлаб ўтган эди. Ушбу танқидий мақола текшириш ва чора кўриш учун Бухоро вилояти ҳокимлигига ўша куни жўнатилди. Орадан икки ойдан ошиқ вақт ўтсада, **БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**даги ушбу масалага алоқадор кишилар оғизларига талқон солиб юришибди.

Газетамизнинг «Луқма» рукни остида мухбиримиз Каримжон Рихсиевнинг **«Ғирромлик ҳам эви билан-да...»** (30.06.94) мақоласи эълон қилиниб, унда Тошкент шаҳар Шифокорлар шаҳарчасидаги 2-хусусий корхонада чанқовбосди ичимликлар отнинг калласидек нархда сотилаётганлиги фош этилган эди. Начора, шу пайтгача **СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ** раҳбарлари мухбиримизнинг ҳақли саволига жавоб тополмай келяптилар.

«Ойнадан ўпкаламанг» мақоласида (23.09.93) Чилонзор туманидаги Қатортол маҳалласида айрим кишиларнинг эл ризқига кўз олайтираётганлиги, маҳалла ҳайрияэҳсон жамғармасини талаётганликлари танқид қилинган эди. Орадан шунча вақт ўтса ҳам **ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИдаги** ўртоқлар ҳеч нарсани кўрмагандек юришибди.

Уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси М. Саъдуллаев ўзига тегишли уй-жойни бегона кишилар томонидан ғирромлик йўли билан эгаллаб олганлигини ўзининг **«Кимга айтай дардимни»** (17.08.93) луқмасида рўйрост баён этган эди. Афсуски, унинг луқмасига **МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ**, шу туман **ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ, ПРОКУРАТУРАСИ** раҳбарлари шу пайтгача жавоб беришга орани очиқ қилишга ожизлик қилиб келяптилар.

Бундан ташқари, **«Давлат тилида гапиргани учун»** (15.09.93) мақоласига **РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**, **«Роботлар ҳам ўзбекча гапиришмоқда»** (15.01.93) мақоласига **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ**, **«Оғзи ошга етганда»** мақоласига (8.1.93) **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**, **«Бировга кунинг қолмасин экан»** (22.1.93) мақоласига **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**, **«Қизилқум: қудуқлар ёрдамга муҳтож»** (22.01.93) мақоласига **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**, **«Халқ ризқига хиёнат»** (12.05.93) мақоласига **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** ва **«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»** раҳбарлари жавоб берганлари йўқ.

Газетамиз бундан кейин ҳам танқидий чиқишларга ўз вақтида жавоб бермаётган идоралар раҳбарларининг исми-шарифи ва «рўйхати»ни бериб боради, улардан ҳақли жавоб талаб этади.

• *Долзарб масала*

СЎЗ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Деҳқону олим, ишчи-ю муҳандис, қурувчи-ю муаллим тўйга атаб тўёна тайёрлаш билан банд. Шаҳар-у қишлоқларимизда таъмирлаш ва ободонлаштириш, кўча ва майдонларни тозалаш, уларга байрамона тус бериш билан бирга босиб ўтилган йўлга танқидий назар ташлаш, қилинган ишларни таҳлил этиб, янги вазифаларни белгилаш яхши анъанага айланди.

Ушбу тадбирлар қаторидан салмоқли ўрин эгаллаган яна бир масала — халқимизнинг буюк ғалабаси бўлмиш мустақилликнинг моҳияти ва тарихий аҳамиятини, унга эришилганидан буён мамлакатимизда юз берган туб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгаришлар, ислоҳотларнинг бориши ва Президентимиз И. А. Каримовнинг уларни чуқурлаштиришга доир фармонларининг мазмуни, раҳбариятимизнинг халқчил ички ва ташқи сиёсати, шунингдек, қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги саъй ҳаракатлари тўғрисида кишиларга асосли ва ишончли қилиб гапириб беришдир. Бунинг учун зарур далиллар етарлича. Юртбошимизнинг нутқ, маъруза ва китобларида тараққиётимизга доир кўплаб рақамлар келтирилган, хулоса ва қоидалар баён этилган. «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 2 август сонида тарғиботчиларга махсус услубий ёрдам саҳифаси берилди. Мустақилликнинг уч йиллиги муносабати билан бундай йўриқларнинг кўплаб эълон қилиниши шубҳасиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Мустақиллик кунини нишонлаш муносабати билан қабул қилган қарорида барча даражадаги партия ташкилотларига ушбу масалага алоҳида эътиборни қаратиш вазифасини топширди. Сир эмас, газеталарга обуна бўлганларнинг сони анча камайди, бунинг устига матбуот нашрларини муштарийларга ўз вақтида етказиб беришда жиддий камчиликлар мавжуд. Радио симлари узилганлиги ёки бузилган телевизорини тузата олмаётгани ёинки турмуш ташвишлари билан бўлиб ойнаи жаҳонни ўз вақтида кўришга имконияти йўқлиги натижасида ижтимоий-сиёсий воқеалардан мунтазам хабардор бўла олмаётганлар ҳам топилади. Аммо, ҳаттоки ушбу қусурлар бўлмаган тақдирда ҳам одамлар билан юзма-юз гапиришни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Бинобарин, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

Сўздурки, нишон берур
ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга
хабар жонондин.

Партиямиз ташкилотларининг долзарб вазифаси — байрамолди тарғибот ва ташвиқот ишларини авж олдириб юбориш, истиқлолимиз ва истиқболимиз тўғрисидаги ҳақиқатни ҳар бир фуқарога етказиш. Ушбу мақсадда байрам шарафига ўтказиладиган тантанали йиғилишлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқот кунлари ва бошқа оммавий-сиёсий воситалардан фойдаланиш даркор. Шунингдек, аҳолининг барча табақалари ўртасида, меҳнат жамоалари, ётоқхоналар, ўқув юртлари, илмий муассасалар, маҳаллаларда учрашувлар, маъруза ва суҳбатлар ёки шунга ўхшаш хилма-хил тадбирларни уюштириш мумкин.

Энг муҳими, ёшу қари улардан қониқиш ҳосил қилсин, ўз саволларига жавоб топсин, янгиликларни билиб олсин. Сўз усталари бўлган тарғиботчи ва ташвиқотчиларимиз фақат бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш, ҳалол ва самарали меҳнат қилиш, илғор мамлакатлар тажрибасини кенг қўлланиш йўли билангина юртимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш, фаровонликка эришиш мумкинлигини фуқароларимизнинг теран идрок этишларига кўмаклашишлари даркор.

Келинг, дўстлар, дилкаш суҳбатимиз, асосли жавобларимиз, ширин сўзимиз билан одамлар қалбига йўл топайлик. Зеро, донолар айтганидек, сўздан кучлироқ ҳеч нарса йўқдир.

Собир ҚУРБОНОВ.

МУАЛЛИМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● ФАРҒОНА. Рапқон қишлоғидан шифобахш сув отилиб чиқди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг тадбиркорлиги ва саъй-ҳаракати билан бунёд этилган бу ердаги оромгоҳ Фарғона маорифчилари ҳамда республика халқ таълими ва маданият ходимларининг ягона ва нуфузли масканига айланиши кутилмоқда. Шифохонанинг очилишида вилоят ҳокими Мирзажон Исломов ана шулар ҳақида сўзлади. Дастлабки дам олувчилар вилоятнинг таниқли ва хизмат кўрсатган маорифчиларидан 60 нафари бўлди. Улар га саломатлигини мустаҳкамлашлари учун бепул йўлланмалар берилди.

Бахтиёр ҒОЙИБНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

«...УЛУҒ МАДАНИЯТИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИЛДИЗЛАРИНИ ЖОНЛАНТИРИШ, ЯҚИН ЎТМИШИМИЗДАН ҚОЛГАН МАФКУРАДАН ХАЛОС БУЛИШ, ЎЗИМИЗНИНГ АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН, УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ БИЗГА ҚОЛДИРГАН МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ТАФАККУРИМИЗНИ ТИКЛАШ, УНИ ЗАМОНАВИЙ-УМУМБАШАРИЙ РУҲ БИЛАН БОЙИТИШ ҲАММАМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗДИР».

Ислом КАРИМОВ.

МАФКУРА БЕШИГИ

Тарихий афсона ва ривоятларга кўра, ўз урф-одати, анъаналарига эга бўлмаган ёки уларга садоқат ҳиссини ифода этолмаган ҳар қандай қабила, халқ авлоду-аждодлар хотирасини сақлаб қололмаган. Ўзи ва ота-бобоси азалдан яшаб келган ҳудудда Ватан дея аталмиш буюк туйғуни унутган кишилар уюшмасига ҳар доим ҳам келажаги ва истиқболи йўқ жамият сифатида қаралган. Буларнинг бари миллий мафкура, деб аталаётган ва жамиятимиз учун ниҳоятда зарур бўлган ижтимоий ҳодиса билан бевосита боғлиқдир.

Миллий мафкура масаласининг долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйилиши Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги билан ҳамда сифат жиҳатидан тамомила янги жамият қуриш билан боғланиши бежиз эмас. Зеро, собиқ коммунистик мафкуранинг мағлуб бўлиши ва жамият аъзолари онгидан унинг ўз-ўзидан йўқола бошлаши мавжуд бўшлиқни инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган, ҳар бир одамни софлик, адолат, яхшилик, меҳрибонлик, ҳурмат, иззат каби шарқона ижобий фазилатлар мажмуи билан суғориш заруратини келтириб чиқарди.

Бошқача айтганда, миллий мафкурани тарғиб-ташвиқ қилиш — бу жамият томонидан қўйилаётган талаб. Халқимизнинг ўз қадимий урф-одатлари, анъаналаридан ажралиб қолганлиги бундай мафкуранинг ниҳоятда зарурлигини кўрсатди.

Яна бир муҳим томони, миллий мафкуранинг асосини, унинг ўзагини нима ташкил этади, деган масала жуда долзарб. Айрим ҳолларда бу масала юзасидан чалкашликлар мавжудга ўхшайди. Миллий мафкуранинг асосини ҳеч қандай сиёсий қарашлар, ижтимоий-сиёсий кучлар дастурлари, йўл-йўриқлари ташкил этмаслигини эсдан чиқармаслик лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган.

Хўш, унда миллий мафкуранинг асосини, тамал тошини нима ташкил этади? Бундай мафкура нимага асосланади-ю, нималарга хизмат қилади? Бу саволларга, шубҳасиз, бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз айрим мулоҳазаларимизни баён этмоққа жазм қилдик. Фикримизча, миллий мафкуранинг асосини миллий маданиятимиз, қадриятларимиз, халқимизнинг тарихий хотираси, унинг руҳияти ташкил этади. Шу ерда бир фикр туғилади: ахир бундай маданиятнинг ўқ илдизлари қадим-қадимга бориб тақалади-ку! Бу ҳақиқат нафақат ўз халқимиз, балки жаҳон халқлари томонидан ҳам аллақачон тан олинган. Унда биз нега миллий мафкура яратяпмиз, деяпмиз? Агар миллий мафкуранинг асосини, моҳиятини миллий маданият ташкил этадиган бўлса, бундай мафкура бизда азалдан бор экан-да?

Айнан шундай. Миллий мафкурамизнинг пойдевори ниҳоятда пишиқ ва унинг илдизлари мустаҳкам. Шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ишлаб чиққан ва қабул қилган Миллий истиқлол мафкураси дастурида баён этилган қуйидаги қоидаларга мурожаат этиш ниҳоятда зарурга ўхшайди: «Бизнинг мафкурамиз, авваламбор, халқимиз асрлар давомида орзу қилган, ҳамиша интилиб келган мустақиллик, эркинлик, ижтимоий тенглик, меҳнатни улуғлаш, она заминга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби ҳаётбахш ғояларни ўзида мужассамлаштиради. У инсониятнинг, авлод-аждодларимизнинг кўҳна ва бой маънавий хазинаси дурдоналари, илғор анъаналари, урф-одатларига, диёримизда яшовчи барча миллат ҳамда элатларнинг тарихи, тили, маданияти, эътиқоди, дини, расм-русумларини ҳурмат қилишга таянади».

Ҳақиқатан ҳам бундай мафкура бор. Жаҳон ҳамжамиятида ўзбек халқининг ўзига хос ўрни мавжудлигини исботлаб берган ва бизнинг дунё маданияти силсиласидаги муҳим ўрнимизга ишора қилаётган нарса ҳам айнан ўшадир. Демак, биз бу масала хусусида фикр юритганда, уни собиқ совет давлати тузуми шароитида топталган ва халқ хотирасидан мажбуран «қувилган» миллий ўзбек маданиятини халққа қайтариш, тиклаш, унга сайқал бериш маъносида тушунишимизга тўғри келади. Маданиятимиз тарихининг қадимийлиги миллий мафкурамизнинг асрлар оша пишиб, сайқаллашиб, тарих синовларидан ўтганлигидан далолат беради.

Чунончи, буни ҳатто археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Термиздан 70 чақирим шимолий-ғарбдаги Сополлитепа текширилганда, бу ерда ётган тарих учта маданий қатламдан иборат эканлиги маълум бўлди. Энг асосийси, олимларнинг фикрича, аҳоли ўтроқ қишлоқларда истиқомат қилиб, улар жамоа мавзеларида якка уйларда яшаганлар.

Сополлитепа моддий манбалари ўша даврда аждодларимиз турмушида уй ҳунармандчилиги юксак даражада ривож топганлигини, одамлар лойдан, суякдан, тошдан, ёғочдан ва чармдан хилма-хил буюмлар ясаганликларини билдиради. Муҳими, бундай далиллар халқимиз маънавиятининг бошқа ҳудудларда яшаган халқлар маданияти билан умумий ўхшашликларини кўрсатса-да, шу билан бирга унинг кўпгина ўзига хос жиҳатлари мавжудлигидан далолатдир. Шунингдек, бу ўзбек халқи маънавияти инсоният тарихининг илк даврларидаёқ ривож топганлигини, халқимизнинг энг қадимий, бой маданияти, демакки, мафкураси бўлганлигини билдиради.

Миллий маданият, тўғрироғи, миллий мафкура ёзма манбалар, битиктошлар пайдо бўлганидан сўнг янада мустаҳкамлана борди. Уларда жамият ва шахс муносабатлари, мамлакатни мустаҳкамлашнинг маънавий-мафкуравий жиҳатлари, адолатли давлат барпо этиш йўллари белгилаб берилганки, бунинг аҳамияти ҳозиргача тўлиқ сақланиб қолмоқда. Жумладан, Култегин битиктошида: кўрқоқ, жўръатсиз, жоҳил ҳоқон ўрнашган мамлакатда инсоф, диёнат кўтарилади; мамлакат равнақи, бирлиги ҳоқоннинг билим ва заковатига боғлиқ; жоҳиллик ва билимсизлик билан бошқарилган мамлакатнинг халқи охири бориб қул бўлади, ўзлигини унутади, деган ҳақиқатга йўғрилган фикрлар мавжудки, буларнинг қанчалар тўғри эканлиги яқин ва узоқ тарихимиз сабоғидан ўтди.

Шу билан бирга қадимий ёдномаларда фалсафий-мафкуравий ғоя, руҳ ҳам ҳукмрон эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Уларда Ватан тушунчаси, ватанпарварлик ва эрк ғоялари асосий ўринни эгаллайди.

Агар биз миллий мафкурамиз пойдевори халқимиз тарихининг бутун босқичларида яратилган, десак хато қилмаган бўлардик. Олимлар, уламолар, шайхлару шоҳлар, авлиёлар, барча мутафаккирлар бу ишда фаол иштирок этганлар.

Шу ўринда тасаввуф илми ва ислом маънавиятининг, қолаверса, жаҳон тафаккур оламининг буюк намояндаси Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд кашф этган ва Алишер Навоий назмида ифодаланган қуйидаги фикрларга бир эътибор берайлик:

ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН. Бу ҳикмат инсон қаерда бўлмасин, кўнгли Оллоҳ билан бўлишини уқтиради.

САФАР ДАР ВАТАН. Бу ҳикмат Ватандан айрилмаган ҳолда сайр қил, оламни бил, сенга заҳмат етса ҳам ўз Ватанингдасан, деб таълим беради.

НАЗАР ДАР ҚАДАМ. Назарингни қадамдан йироқ тутма, яъни қадамингни доим кузат, қадамингни ўйлаб бос.

ХУШ ДАР ДАМ. Ақл-ҳушингни ўзингдан йироқ тутма. Тафаккур қил. Шунда сенга офат юзланмайди.

Тасаввуф таълимотида ушбу тўрт шарт унинг моҳиятини ташкил этади, дейиш қийин. Бироқ, келтирилган мазкур шартлар инсонни камолотга етказишда ҳеч шубҳасиз, катта ўрин тутади. Бундай таълимотнинг яратилишида бизнинг юртимизда яшаб, ижод қилган мутафаккир-авлиёларнинг хизмати катта. Чунончи, Ҳазрат Алишер Навоий Ғарбий ва Марказий Осиёнинг VII асрдан бошлаб то ўзи яшаган давригача ҳамда ўз замондошларидан бўлган 770 авлиё ҳақида маълумот берадики, бу бизни ота-боболаримиз яшаган ҳудуд билан ғурурланмоққа ундайди.

Миллий мафкуранинг тамал тошини миллий маданият ташкил этишини биз юқорида қайд этдик. Миллатнинг, мамлакатнинг эрки, мустақиллиги эса шу халқ миллий мафкурасининг қанчалар мустаҳкамлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам босқинчилар, бировларнинг ери ва бойлиги эвазига тирикчилик ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўювчилар энг аввало ишни шу халқ, элат, миллат маданиятини йўқ қилишдан бошлаганлар. Бунга тарихда юзлаб мисоллар бор.

Айрим ҳолларда буюк халқ маданияти камситилган, унинг ютуқлари олдига темир пардалар тортилган. Ўлкамиз Ўрусия томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида забт этилгач ва 1917 йилдан «янги ижтимоий-сиёсий тузум» ўрнатилгач, ҳукмрон сиёсий куч ўзининг бутун эътиборини ўзбеклар маданиятини, унинг миллий мафкурасини топташга қаратди. XVI асрдан бошлаб Марказий Осиёда маданий тараққиёт тўхтаб қолди, унинг кейинги ривожланиш жараёни эса «ўлкага маърифат олиб келган» Ўрусия билан боғлиқ, деган ғоя бизнинг китобларимизга, онгимизга михдай ўрнашди. Аммо, тарихни холисона ўрганиш ушбу «таълимот»нинг хато эканлигидан далолат беради. Зеро, маданий ривожланиш иқтисодий, сиёсий тараққиётдан фарқли ўлароқ у доимо ҳаракатда ва ривожланишда. Шу туфайли ҳам бундай жараён ҳеч қачон тўхтамаган.

Ҳозирги шароитда миллий мафкура хусусида фикр юритганимизда, биз бундай мафкуранинг асли мавжуд бўлганлигини унутмаслигимиз, эндиги вазифамиз эса бир вақтлар чекланган ва топталган ушбу умумхалқ таълимотини тиклашдан иборатлигини назарда тутишимиз лозим.

Жамиятдаги партиялар, ижтимоий-сиёсий кучлар, ҳаракатларнинг эмас, балки умумхалқ манфаатларига хизмат қиладиган бундай мафкура «вақтинчалик» бўлмасдан, жуда узоққа мўлжалланган бўлади. Бошқача айтганда, халқ, миллат бор экан, ҳамиша миллий мафкура ҳам бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни, республикамиз Президенти ва ҳукуматининг миллий маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганлигини миллий мафкурани тиклаш ва унга янада сайқал бериш маъносида тушуниш лозим. Миллат равнақи — мамлакат келажаги. Мамлакатнинг келажаги эса шу ҳудуддаги барча халқларнинг мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлигига, демакки, миллий маданиятга бўлган муносабатига боғлиқ. Зеро, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасида таъкидланганидек, ҳаётнинг ўзи олдимизга шундай мисли кўрилмаган тақдирлар ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқдаки, уларга тўғри жавоб топмоқ учун маънавиятнинг даражаси ҳам юксак бўлиши талаб этилади.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

КУРАШ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

● ОСЛО. Норвегия полициясининг «мамлакатга шарқдан хавф солаётган» уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтирмоқда.

Ана шу мақсадда полиция Мурманск шаҳрида ўз ваколатхонасини очишга қарор қилди. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиёдан келтирилаётган гиёҳванд моддалар Ғарбий Европага айнан шу шаҳардан олиб ўтилмоқда.

Норвегия ташқи ишлар вазири полиция ваколатхонасини очиш хусусида Россия ҳукуматининг розилигини олса, уюшган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ортади.

ВАКОЛАТХОНА ҚЎРИҚЛАНМОҚДА

● ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе Жазоирдаги француз фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чоралар кўрилажагини маълум қилди.

Ўтган чоршанба куни Жазоир пойтахтида террорчиларнинг французлар яшаётган туманга ҳужуми натижасида 5 киши ҳалок бўлган эди.

Энди Франциянинг ваколатхонаси ҳудуди жандармлар билан кучайтирилган ҳолда қўриқланади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

● МОСКВА. Россия раҳбарлари чечен муаммосини ҳал этишда ҳарбий куч ишлатилмаслигини таъкидлашмоқда.

Ҳукумат раисининг ўринбосари С. Шахрай «Чечен халқи ўз тақдирини ўзи ҳал этиши керак, биз эса унга кўмаклашамиз», деди тоғлик халқларнинг Нальчикда бўлиб ўтган халқаро конференциясида.

НАРКОМАФИЯ ҲИСОБИ

● ВАШИНГТОН. Клинтон маъмуриятида мавжуд ҳужжатлар Колумбия янги Президентининг сайланишида наркомафия раҳбарларининг иштироки борлигини кўрсатади.

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Роберт Гелбард вакиллар палатасининг мажлисида шуни таъкидлади. Маълум бўлишича, Эрнесто Сампер сайлов кампаниясини ўтказиш чоғида наркобизнес раҳбарларидан пул олиб турган.

АРМИЯ ҚИСҚАРАДИГАН БЎЛДИ

● ТОКИО. РАТАТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Хитой қуруқликдаги аскарлари сонини сезилари даражада қисқартирмоқчи.

ХХР Марказий Кенгаши айни пайтда армияни 500 минг кишига қисқартириш имкониятларини муҳокама этмоқда.

Маълумотларга қараганда, Хитой армиясида ҳозирги кунда 3 миллион нафар аскар бор. Уларнинг 2,3 фоизини қуруқликдаги ҳарбий кучлар ташкил этади.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНАДИ

● АЛ-ҚУВАЙТ. Қувайт Россия билан ҳарбий қурол-яроғ сотиб олиш ҳақида шартнома имзолашни кўзламоқда.

Қувайт мудофаа вазири шайх Ал-Ҳамид Ал-Жаббор Ас-Сабоҳ бу шартнома Қувайт ва Россия мудофаа ва хавфсизлик ҳақидаги келишувига асосан амалга оширилишини айтди.

КРИСТОФЕРНИНГ САФАРИ

● ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер 5 август куни Яқин Шарққа сафар қилади.

Кристофер Миср, Исроил, Иордания ва Сурияга ташриф буюриб, «бу ҳудуддаги давлат раҳбарлари билан тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш хусусида маслаҳатлашиб олади», деди давлат департаментининг расмий вакили.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЕШЛАР ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛИШДИ

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленумида партиянинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳамкорлик юзасидан вилоят партия ва Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилган эди. Ҳозирги кунда ушбу вазифаларни бажариш юзасидан жойларда партия ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда, уларда ёшлар муаммоларини ҳал этиш бўйича дастурлар белгиланаётир. ХДП сафларига ташаббускор, изланувчан, фаол ёшлар кўплаб қабул қилинянти.

Яқинда Гулистон шаҳридаги нон заводи бошланғич партия ташкилотида ўтказилган шундай йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ҳасанов ва вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Усмонов қатнашдилар. Улар йиғилишда сўзга чиқиб, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, бу борада амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида бозор иқтисодиёти шароитида корхонани ривожлантириш ишида партия аъзоларининг иштироки ва вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилиш сўнггида корхонанинг бир гуруҳ илғор ёшларига партия билетлари топширилди.

Ё. ОРТИҚБОЕВА.

БИР САФДАГИ ФИДОЙИЛАР

ЯНГИЙЎЛДА ЎЗБЕКИСТОН КУЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИНИНГ XII ҚУРУЛТОЙИ КЕЧА ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Қурултойлар оралиғидаги муддатда республикамиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тарихий воқеаларга бой бўлди. Айниқса, юртбошимиз И. А. Каримов ифодалаган бозор иқтисоднётига босқичма-босқич ўтишнинг беш тамойили Ўзбекистон демократик тараққиётга юз тутганидан далолат. Ислоҳотларнинг барқарорликка ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини кучайтириш эса бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Олий анжуманга тўпланган вакиллар ана шу асосда ўзларининг муҳим муаммолари юзасидан атрофлича фикрлашиб олдилар.

Ўтган вақт кўзи ожизлар жамияти ҳаётида ҳам ижобий из қолдирди. Улар тасарруфидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 114 фоизга бажарилди. Олинган фойданинг асосий қисми капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларига, ишчи-хизматчиларнинг маиший шароитларини яхшилашга, уй-жой, болалар боғчалари тармоқларини кенгайтириш, корхоналарни ривожлантиришга сарфланди.

Жамият аъзолари меҳнат жабҳасида фидойилик кўрсатиб, маҳсулот турларини кўпайтириш режасини ҳам ошириб адо этдилар. Ярим жунли гилам ва поёндоз, эркаклар спорт курткаси, болалар ички кийимлари, «Жигули» автомашинаси учун мой ва ҳаво тозалагичлар, ўйинчоқ машиналар, пластмасса буюмлари, ёғоч қолиплар, ром, эшик ва бошқа кўплаб маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Кўпгина корхоналар технологиясида ўзгаришлар содир бўлди. Янги ишчи ўринларини вужудга келтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий тадбирлар самарадорлигига эришишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Демак, мазкур йўналишларда қурултойда қабул қилинган қарорлар ижроси амалийлигини таъминлаш ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган хотин-қизларни касаначиликка тортиш ҳам навбатдаги юмушлар сирасига киради. Айни пайтда фақат 536 нафар ногиронгина бу ишга жалб этилган, холос. Иқтисодий ислоҳот одимларига янгича руҳ бағишлаш, кун тартибида кўндаланг бўлиб турган муаммолар ечими қулай омилларини топиш учун ҳам анча тер тўкиш талаб қилинади. Ҳукуматимиз қарорларини бажаришда қатъий изчиликка амал қилиниши зарур.

Қурултой иштирокчилари шулардан келиб чиқиб, навбатдаги вазифалар кўламини аниқ белгилаб олдилар. Вакиллар Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Бахтиёр Тоҳиров маърузасини тинглаб, кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокамасидан кейин бир қатор чора-тадбирларни белгилаган қарор қабул қилдилар. Жамиятнинг янги таҳририятдаги Низоми қабул қилинди, марказий бошқарувнинг янги таркиби сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Президенти девони масъул ходими Муқимжон Қиргизбоев, республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов ва Марказий Осиё республикаларидан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Владимир Молгачев олган суратлар.

• *Бугуннинг гапи*

Президентимизнинг миллий валютани муомалага киритиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинганига ҳам бир ой бўлди. Унда барча корхона ва хўжаликлар ишчи-хизматчиларига 1 июлгача июнь ойи иш ҳақини миллий валютада берилишини таъминлаш кўзда тутилган эди.

Неча пуллик иши бор?

Аммо Сариосиё туманидаги юзлаб колхозчилар ҳалигача июнь ойининг ойлигини олишгани йўқ. «Сўфиён» жамоа хўжалигида колхозчиларнинг иш ҳақини миллий пул билан берилиши борасидаги ишлар билан қизиққанимизда шу кунга қадар 237 нафар одамга иш ҳақи берилмаганлиги маълум бўлди. Хўжалик хазиначиси Ҳамро Жўрақуловга: сиз уч кун муддат ичида меҳнаткашлар маошини беришингиз лозим эди-ку десак, у киши «ҳазиллашманг, уч кунда ойлик тарқатиб бўладими» деб эътироз билдирди.

— Бўлмаса неча куи керак?

— Ўн-ўн беш куи.

Ойлик тарқатадиган ҳужжатларни кўрганимизда хўжалик марказидан 25 километр узоқликдаги Тоғли Сангардак аҳолисига бирор сўм пул тарқатилмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Нега тоғда яшовчи колхозчиларга ойлик берилмади?

— Авваламбор узоқ. Қолаверса, улар қўй боқади.

— Бунинг ойликка нима алоқаси бор?

— ...

Туман марказий банкининг бошқарувчиси Хайрулла Нарзуллаевнинг маълумотига кўра, 20 июлгача банк тумандаги ташкилотлардан 57 минг 357 сўм пул қабул қилган. Бу тарқатилган валютанинг уч фоизинигина ташкил қилади холос. Туман нон комбинати, умумий овқатланиш корхонаси каби қатор ташкилотлар янги валютада бир сўм ҳам пул топширмаган. Шу боисдан ҳам одамларга ойлик бериш учун нақд пул етмаётир.

Хуллас, Сариосиё туманида миллий валютамизни муомалага киритиш борасида ечимини кутаётган муаммолар кўп. Аммо ташкилотлар ҳисобчилар ва хазиначиларнинг оппоқ қўйлаклари чўнтагида нақшинкор ўзбек пуллари кўриниб турибди. Шундай бўлгандан кейин уларнинг ойлаб пул ололмаётган колхозчилар билан неча пуллик иши бор?

Абдуғаффор ОДИНАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИГУЛИК

Наманганда троллейбус тармоқлари муттасил кенгайиб боряпти. Электр транспорти тармоғи бу йил яна 10 километр узаяди. Янги тармоқ участкаларини барпо этиш жадал бормоқда. Транспортчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам мамлакатдаги ҳамкасбларга ибрат қилиб кўрсатишга арзийди.

Шунинг учун ҳам республика трамвай-троллейбус ходимларининг навбатдаги семинари айнан Наманганда ўтказилди. Семинарда Наманган троллейбус бошқармаси бошлиғи Маматхон Мамадалиев тармоқ ҳудудий бошқармаси фаолияти ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқармаси бошлиғи Неъматжон Исроилов тармоқ ходимлари олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вазирлик вакили, жумладан, трамвай-троллейбусларни таъмирловчи йирик корхона қурилажаги ва яқин фурсатда унинг асосида ўзимизда шундай транспорт воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, деб қолди. Шунда семинар ишида қатнашаётган вилоят ҳокими ўринбосари Муҳаммаджон Тожибоев қуйидаги таклифни киритди:

— Демак, янги заводга ҳали ер ажратилмади,— деди дам зални, дам вазирлик вакили кайфиятини кузатаркан.— Ишни чўзмайлик-да, келинг, шу заводни Наманганда ташкил этайлик. Биз эртагаёқ ер майдонини кўрсатамиз. Керакли нарсалар, маблағни ҳам топамиз.

Наманганликлар ташаббуси семинар ҳужжатига киритилди.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

• *Маҳалла—аҳиллик қўрғони*

КАРОМАТ ДАСТУРХОНЧИНИНГ ДЕГАНЛАРИ

— Маҳаллада дастурхончилик жуда нозик иш, мухбир ука, маҳаллада нима кўп — тўй-маърака! Маросимда дастурхон безашдан тортиб, меҳмонларга сарупо тақдим этишгача бизнинг зиммамизда. Бунинг устига бир тўйбоши: «Борим шу, иложини қилиб расамади билан тарқатасиз», дея узрини айтиб, қалтираб турса, иккинчиси: «Ҳеч нарсани аяманг, опа, ҳамманикидан ортиқ бўлсин!» дея кеккаяди. Бизнинг «Пропарка» маҳалламизда эса 242 та хонадон бор. Демак, 242 хил даромадга, шунча феъл-атворли соҳибга эга улар. Тўй дастурхони ҳам шунга қараб бўлади-да!

— Лаббай, маҳаллангизнинг номи нега бунақа дейсизми? Айланай сиздан, қачон мухбир келса, шуни сўрайди-я! Ҳа, майли, омон бўлсин... Биз яшаб турган жой шаҳардан четда, ташландиқ бир қўриқ эди. 50-йилларда шу ерга цистерна вагонларни бўғлаб ювадиган корхона қурилди. Корхона атрофига эса шу ерда ишлайдиганлар уй қуриб, кўпайиб, кенгайиб, бир маҳаллага айланди-ю, маҳалла номи ҳам «Пропарка» бўлиб кетди. Ёшлар маҳалламиз номини ўзгартириш ҳаракатида юришибди...

Ҳа, нима деятувдим, эсим қурсин. Хуллас, 242 хил ҳолат. Энди биз нима қилишимиз керак? Шунда бизни — «Пропарка» маҳалласи ХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти аъзоларини котибимиз Мамасоли Эргашев йиғди. Маҳаллада 11 нафар партия аъзоси бор. Маҳалла йиғини раиси Мамазиё Қурбонов партиявий сафдошимиз. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси Лаълихон Эргашева ҳам партия фаолларидан. Йиғилишда ҳаммамиз дилдаги гапларимизни тўкиб солдик. Юртбошимиз — халқнинг бахтига минг йил умр кўргур Ислом Каримов маҳалланинг қанчалик катта куч эканлигини, тарбиявий аҳамиятини таъкидлаяптилар. Бизда ҳам анчагина ишлар қилинди. Аммо, камчилик йўқ дейсизми? Унчалик эмас... Тўйларни бошқариш, уларни ихчам, камчиқим, шодон ва тинч ўтказишда партия аъзолари ҳам фаол қатнашсинлар, дейилди ўша йиғилишда. Айрим корчалонлар тўқликка шўхлик қилиб, тўй баҳона сохта обрў орттириш кўйига тушсалар, ундақаларнинг пўстагини қоқиб, эл қатори тўй ўтказишга ўргатайлик. Дастурхончи сифатида маросимларнинг аёлларга тегишли қисмларини тартибли ўтказиш вазифаси менга партиявий топшириқ қилиб берилди. Худога шукур, қўлдан келганича ҳаракат қиляпмиз.

Йиғилишда маҳаллани ободонлаштириш юзасидан ҳам тадбирлар ишлаб чиқдик. Эндиликда маҳалламиз вилоятда ҳам намунали ҳисобланади. Маҳалла жамғармасида 1,5 минг сўм маблағимиз бор. Яқингача ҳам ҳатто маҳалла йиғини биноси йўқ эди. Йиғин раиси Мамазиё ака асли уйсоз уста эмасми, пойтешани олиб янги бино ёғочларини чопишга тушгач, бутун маҳалла унга эргашди. Қисқа муддатда бинойидек иморат қуриб олдик. Кўпчилик кўпирса, қўлмак кўл бўлар экан. ХДП бошланғич ташкилоти аъзолари маҳалладаги ободончилик ишларига бош-қош бўлдилар. Ҳудудий бошланғич ташкилот режасидаги ишлар аста-секин амалга оша бошлади. Маҳаллада тиббиёт шохобчаси биносини қурдик. Илгари 5—6 чақирим йўл босиб, гугурт олиш учун ҳам Ҳамза шаҳри марказига борардик. Бир ҳаракат билан дўкон ҳам қурилди. 40 нуқтали телефон сими тортилиб, 35 хонадонда телефонлар жиринглай бошлади. Гузаримизда кичик бир боғ ташкил қилдик. Сартарошхона, қассобхона, чойхона ишлаб турибди.

Бир йил илгари хонадонларга табиий газ келди. Шунда йиғин раиси Мамазиё ака уйма-уй юриб:

«Ҳой фалончи, табиий газ келди, энг биринчи галда уйингга мўрча-ҳаммом қургин», дея ташвиқот юритдилар. Зеро, ҳаммоми бор хонадонда касал кам бўлади... Ҳозир кўпчилик хонадонларда ҳаммом бор.

Маҳалламиздаги 9 нафар уруш қатнашчисининг ҳолидан доимо хабар олиб турамиз. Кўп болали оилалардан оёғимизни узмаймиз. Тинчтотув, аҳилмиз. Бу ишларда, мухбир ука, маҳалламиз оқсоқоли Мамазиё Қурбоновнинг хизмати катта. Президентимизга минг раҳмат, айнан шу хизматларини эътиборга олиб, оқсоқолимиз Мамазиё Қурбоновни «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотладилар. Бу эса биз — «Пропарка» маҳалласи ХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти учун ҳам юксак мукофот. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, яна бир айланиб келсангиз, маҳалламизни бундан-да обод, бундан-да фаровон кўрасиз.

Фарғона вилояти Ҳамза шаҳридаги «Пропарка» маҳалласи дастурхончиси, ХДП аъзоси Каромат МАДАМИНОВА сўзларини оққа кўчирувчи:

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Чўпон ўғли чўпон, олим боласи олим бўлиши шарт эмас. Отасидан ибрат олган, у шуғулланган касбга қизиқиб кетган кўп фарзандларни кўрганмиз. Таассуротимизча, шундай фарзандларнинг аксарияти касб-кор эгаллашда уни такомиллаштиришда отасидан анча илгарилаб кетган. Касбкорни эъзозлашда устоздан, ҳатто отадан ҳам ўзиб кетадилар. Ота меҳрига, устоз умидларига содиқ шогирдларгина шунга муяссар бўладилар. Электрчи Маҳмуд Комилов сулоласига мансуб фарзандлар, набиралар фаолияти бунга мисол бўла олади.

Маҳмуд ака кўп меҳнаткаш одам эди. Қибрай туманида бу моҳир монтёр кирмаган хонадон қолмаган. Қирқ йилга яқин сим тортди, симёғоч ўрнатди, электр жиҳозларини созлаш билан шуғулланди. Қишлоқларда Маҳмуд монтёр дейишса, одамларнинг юзи ёришиб кетарди.

Йиллар ўтди. Маҳмуд монтёрнинг чироғи ҳамон ёниб турибди. Ўнинг ишини фарзандлари, набиралари садоқат билан давом эттиришмоқда. Табиатан абжир ва айни вақтда билимдон мутахассис Мирвосит Комилов электрчиликда ишлаб, яхши тажрибалар орттирди. Юқори малакали электрчи бўлиб етишди. Ҳозир у Тошкент электр тармоқларининг бош муҳандиси лавозимида ишламоқда. Дастлаб ишни отасига шогирдликдан бошлаган Мирвосит ишнинг оғирини қидирди. Ҳамкасбларининг таъкидича, унинг бу табиати лавозим масъулиятини ҳис этишда иш бермоқда.

Электрчилар сулоласи... Ушбу суратда марҳум Маҳмуд монтёрнинг ишини давом эттираётган фарзандлари билан танишасиз. Чапдан: Тошкент электр тармоқларининг бухгалтери Насиба Комилова, бош муҳандис Мирвосит Комилов, релье ҳимояси ҳамда автоматика хизмати муҳандиси Мирали Комилов.

А. АБАЛЯН олган сурат.

• *Ислоҳот одимлари*

ҚУЛАЙ НАҚЛИЁТ ВОСИТАСИ

Бугунги кунда энг қулай, арзон нақлиёт воситаси бўлмиш поездлар хизматидан минглаб кишилар, шунингдек, турли саноат, қурилиш, савдо ташкилотлари, хўжаликлар мунтазам фойдаланадилар. Шу боис темир йўлларни мамлакат халқ хўжалигининг қон томири дейишади.

Ўзбекистон халқ депутати, Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими Мирмуҳсин Мирҳамзаев раҳбарлик қилаётган Фарғона темир йўл бўлими илғор жамоалардан саналади. Улар мустақиллигимизнинг уч йиллиги байрам қилинадиган жорий йилнинг ўтган даврида қувонарли меҳнат ютуқларини қўлга киритдилар. Жумладан, ўтган 6 ойда бўлим зиммасидаги режалар ошириб уддаланди.

— Она юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг биз, темирйўлчилар ҳам мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ўз зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан ўташга киришдик,— дейди М. Мирҳамзаев.— Анъанавий касб байрамимизни муносиб ютуқлар билан кутиб олаётган жамоамиз аъзоларининг мақсади темир йўл хизматидан фойдаланувчи йўловчиларга зарур қулайликлар яратиш, поездлар қатнови мунтазам ва аниқ бўлишини таъминлаш, халқ хўжалик юкларини манзилларга ўз вақтида етказиш, вагонларнинг бўш туриб қолиши олдини олишдир.

Фурқат станцияси бошлиғи Адҳамжон Исломов, мазкур станция навбатчиси Юсуфжон Аҳмедов, Марғилон станцияси навбатчиси Маъруфжон Қорабоев, Яйпан станцияси навбатчиси Маҳмуджон Мамажонов, шунингдек, Худойберди Усмонов, Адҳамжон Алиқулов, Ҳамиджон Ғуломов каби ўнлаб темирйўлчилар ўз вазифаларини сидқидилдан уддалаб, жамоа муваффақиятларига салмоқли улуш қўшишмоқда.

Бугунги кун талаби —ҳар соҳада тадбиркорлик билан иш юритишни, баҳона изламай имконият топиб ишлашни тақозо этмоқда. Бўлимда бу борада ҳам бирмунча ибратли ишлар амалга оширилаётир. Вагонларни таъмирлаш ишлари қўшни давлатларда бажарилганда ниҳоятда қимматга тушарди. Ҳозир таъмирлаш ишлари асосан жумҳуриятимиздаги заводларда бажарилмоқда.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш бўйича ҳам доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. «Қўштепа» хўжалигида 705 бош қорамол,665 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Етиштирилган гўшт, сут ишчи-хизматчиларга, бўлимга қарашли болалар боғчалари ҳамда оромгоҳларига берилмоқда. Шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида темирйўлчилар дастурхонига 187 тонна сут ва 30 тонна гўшт тортиқ этилди. Бўлимнинг Қўқон ва Поп станцияларида 280 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда Қўқонда темирйўлчилар фарзандлари учун барча шарт-шароитларга эга бўлган «Дилнавоз» боғчаси ишга туширилди. Темир йўл бўлимининг шифохона ва поликлиникалари замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган.

Қўқон ва Андижонда кунига 580 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар ишлаб турибди. Чодак ва Ширмонбулоқдаги болалар оромгоҳларида дам олувчилар ёзги таътилларини кўнгилдагидек ўтказишмоқда. Чимёнда темирйўлчилар учун махсус 100 ўринли санаторий ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилар учун турар-жойлар қуриш ҳам мунтазам олиб борилаётир. Жамоа аъзоларини бозор иқтисоди шароитида ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш маъмуриятнинг, бўлим касаба уюшмасининг доимий эътиборида. Меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, қам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, хайрия тадбирларида фаол қатнашиш бу ерда одат тусига кирган.

Кейинги пайтда Андижон — Тошкент йўналишида қатнаётган «Олтин водий» фирма поезди ҳақида кўплаб ижобий фикрлар билдирилмоқда. Боиси — жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси тасдиғидан ўтган мазкур фирма поездида хизмат кўрсатиш савияси юқори, йўловчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Республика темир йўл бошқармасида ягона бўлган мазкур поезд хизматидан кўпчилик мамнун.

Фарғоналик темирйўлчилар жумҳуриятимиз мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олиш, халқимизга ҳалол хизмат қилишга бел боғлаганлар.

Зоҳиджон НЕЪМАТ.
Суратда: «Олтин водий» поезднинг илғор йўл кузатувчиларидан бири Муҳаммаджон Эрматов.

ДАРБАНД ҚИМИЗИ

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). «Дарбанд» жамоа хўжалигини вилоятдагилар дори тайёрлаш маскани деб аташади. Бунинг боиси шундаки, хўжаликда бир неча йилдан бери қимиз тайёрланади.

Вилоятнинг сил касалликлари шифохоналарида даволаналётганлар балки Чори Боқичаев кимлигини билишмас. Ваҳолонки, бу кишининг меҳнати чакки эмас. У 25 бияни соғиб, қимиз тайёрлашни боплаяпти. Бу йилдан дарбандликлар яна бир яхши ишга қўл уришди. 20 гектар ерда қовун-тарвуз етиштирилмоқда. Полизни 8 ишчи қўлга олган. Лалми полиз ҳосилини эса минг дардга даво дейишади.

— Бундан буён доривор ўсимликлар йиғиб-терадиган ишчиларни ҳам рўйхатга олмоқчимиз, — дейди хўжалик раиси Ҳолер Назаров. — Шаҳарларда «Дарбанд» деган доривор ичимлигу гиёҳларни сотувчи дўконлар очсак, деган ниятимиз бор.

Олимжон УСАНОВ.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

ЧАП БЕРОЛМАДИ

МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ойларда деҳқон бозорларида қартошка, пиёз нархлари кескин кўтарилиши кузатилди. Айрим кимсалар худди шу вазиятдан чўнтакларини қаппайтириш мақсадида фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар. Шундайлар қаторига жамбуллик М. исмли шахсни ҳам қўшиш мумкин. У «КаМАЗ-5220» русумли 82-23 ДЖМ рақамли автоуловда қарийб 58,5 минг сўмлик 8 тонна картошкани Қибрай туманидан олиб ўтаётганда ДАН пости ходимларига чап беролмади. Мазкур иш билан Қибрай тумани ички ишлар бўлими шуғулланяпти.

* * *

МАЗКУР ТУМАНДА яна бир юқоридагига ўхшаш факт қайд қилинди. Исмишарифи О. бўлган шахс 03-32 ТНБ рақамли автомашинада 4 минг сўмга зиёд 6 тонна карам ва бир тонна саримсоқ пиёзни Қозоғистон Республикасига ноқонуний олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда, уни ДАН ходимлари тўхтатиб қолишди. Ушбу ишга тегишли ҳужжатлар туман солиқ инспекциясига топширилди.

ЧАЙҚОВЧИГА АЙЛАНГАН ТИЖОРАТЧИЛАР

У, исмли йигит ўзини тижоратчи, деб танитиб, чайқовчилик йўлига кириб кетди. У 140 шиша Олмалиқ пивосининг ҳар бирини 5 сўмдан, 80 шиша Тошкент минерал сувининг ҳар биттасини 1,5 сўмдан, 120 дона салқин ичимликларнинг ҳар бирини 2,5 сўмдан пуллаётганда қўлга тушди. Шунингдек, Олмалиқ шаҳар солиқ нозирлиги билан шаҳар ички ишлар бўлими ҳамкорликда спиртли ичимликларни ҳеч қандай ҳужжатсиз, ошириллган нархда сотаётган бир неча чайқовчининг танобини тортиб қўйишди.

М. НАБИЕВ.

„ЎЛИБ“ ТИРИЛГАН ОДАМ

ҲИКОЯ

МИРМУҲСИН

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Эрталабки изғиринда бурни қизариб, эски маҳсининг қўнжига ўхшаб йилтираб кетган папкасини қўлтиғига қисиб, тор драп палтосига ўралиб, хизматга кетаётган Мўминжон почтачини чойхонадан кузатиб туриб, икки ошнаси бир-бирларига қараб илжайиб қўйишди. Бир пиёла чой ичиб кетинг, деб имлаб чақиришмоқчи бўлишди. Лекин ошнамиз шаҳдидан қайтмасин деб индашмади.

— Кўряпсизми, почтачи ишга кетаяптилар... Ҳукуматнинг асл фарзанди — асло оёғи тинмайди. Маҳалладаги наҳорги ошга ҳам улгуради. Неваралари, танишбилишлари ҳолидан ҳам хабар олади. Ҳаммасига улгуради... Бу ўзи ажойиб инсон,— деди унинг тенгқури, кекса ўқитувчи ҳаяжонланиб.

— Барака топинг, вужуди ғайрат!—деди шериги.— Оллоҳнинг марҳамати бу, савоб деб заҳматдан қочмайди, юриб чарчамайди. Касбини яхши кўради. Бунақангиси жуда кам!

— Ёз бўлса валасапидда, қишда калишмаҳсида уч маҳалланинг хизматини қилади,— деди яна ўқитувчи.— Ярим кечада телеграмма олиб келганига ўзим гувоҳман.

Ҳа, дарҳақиқат, шоп мўйлабли, эчки соқол, қотмадан келган Мўминжон ака ёз ойларида велосипед минади — унга кўзи тушган болалар данг қотиб қолардилар; циркдаги ўргатилган эчки велосипед миниб кетаётганга ўхшарди. Ўзига тикилиб турган болаларни кўриб, ўзи ҳам беихтиёр кулимсирарди. Нима қипти, хизматчилик. Велосипед миниш айбми? Киши олтмиш ёшга бориб, велосипед ҳайдаб юрса, бунинг нимаси ёмон!

Кутилмаганда почтахона жамоаси мажлис қилиб, олтмиш ёшга кирган Мўминжон акани пенсияга узатишмоқчи бўлдилар. Йўқ, мен ҳозирча пенсияга чиқмайман, ишлайвераман, деганига ҳам қарашмади; ҳаммамиз учун қадрли бўлган Мўминжон акамиз дам олсинлар, деди почтахона бошлиғи Ҳасанов. «Аслида чиқмаганим яхши эди, ука, ҳали соғ-саломат чопқиллаб юрибман. Почтачилар уйда ўтириб қолса икки йилга етмаётган эмиш. Бу ҳаммага маълум...» «Йўқ, қонун бор, сиз кетишингиз керак! Кўп ишладингиз, бас! Ўрнингизга ёшлардан одам тайёрлаб қўйганмиз — ёшларга йўл беришингиз керак!» деди почта бошлиғи. «Тўғри, деди Мўминжон ака, ёшларга ўрин бўшатиш муҳим масала... Лекин менинг ҳақимда ёмон фикр қолмасин» деб, рози бўлди, вазифасидан кетди...

— Ўртоқ Хасанўп, шу одамни нега ёмон кўрасиз?— деб сўради кунлардан бир кун почта ходимаси Асалхон, — бировга тил-оғзи тегмайди, югуриб-елиб ишини қилиб юрибди?

— Сен билмайсан, бу одамнинг доимо пайпоғи сасиб юради. Неча маротаба айтдим: ҳой, Мўминжон ака, уйингизда пайпоғингизни ювиб берадиган одам йўқми деб? Ўшанда менга хўмрайиб қаради-ю чиқиб кетди. Кишининг кўнгли нозик-да, шу қилиғидан буён у жинимга ёқмайди.

Қишда пиёда, ёзда велосипедда зиғиллаб юрадиган, Мўминжон акани эски шаҳарда танимайдиган кимса йўқ.

Пенсия яхши, ҳар кимни шу ёшга етказганига минг қатла шукр. Аммо фавқулодда пайдо бўлиб қолган бекорчилик жуда оғир кечарди. У баъзида гапи-гапига қовушадиган ўқитувчини йўқлаб чойхонага чиқар, бир-икки соат ҳангомалашиб, яна уйига қайтиб кирарди. Хотини, болалари билан гаплашар, телевизор кўрар, лекин барибир, кўчаларда чопқиллаб юрганига не етсин! Доимо ҳаракатда, юриб ишлаган одамнинг хонанишин бўлиб қолиши яхши эмас экан. Наҳотки Алоқа вазирлиги бир буйруқ чиқариб, бу соҳадаги фахрийларни жуда бўлмаганда ярим ўринга қабул қилиб олсалар бўлмайди-ми!

Оқар сув оқмай қолса кўлмак пайдо бўлади. Туёғидан ўт чақнаган почтачи уйда ўтиравериб, охири бетоб бўлиб қолди. Штатда турмай, текинга ишлайман, деб яна почтахонага борган эди, Ҳасанов яна жеркиди: «Э, қўйсангиз-чи Мўминжон ака, сиз ўзи қанақа одамсиз? Бориб қонуний даминги зини олинг! Бу нимаси, одамларни фахрийликка чиқарсагу ишлайман, деб яна қайтиб келишса! Ё-ти-иб, фароғат қилиш ўрнига яна кўчама-кўча сакиллаб югуришми! Қўйинг, ёшлар ишласин энди!»

— Ўрнимга одам олмабсиз-қ?

— Оламиз, ташвиш тортманг!

— Жуда бўлмаса, одам олгунингизча ишлаб турай? Маҳалладагилар газета-журналларни вақтида ололмаяпмиз дейишяпти...

— Оладилар! Ҳей, сиз, қанақа инсонсиз! Иғво қилмай уйингизга бориб ётинг! Бизларни ишлатгани қўясизми, йўқми!

Яна бир кори-ҳол рўй бермасин, деб у почтахонадан чиқиб кетди. Эшикдан чиқаётганда Ҳасановнинг қовоқларидек ғўнғиллаган овози эшитилди: «Бу ўзи қанақа сурбет одам-а? Ўрнини бўшатиб бергиси келмайди!» У шу сўзни айтди-ю тилини тишлади; аслида у Мўминжон ака оладиган маошнинг ярмисини ўзи оладиган бўлиб, буйруққа имзо чеккан эди.

Шу кундан бошлаб Мўминжон аканинг бу ерга келгани юраги бетламади. Ҳафталар мобайнида кўчага чиқмай, ўз хонасида шипга тикилиб, тоқи санаб ётди. Ўзининг ҳеч кимга керак бўлмай қолганини фаҳмлагандек бўлди. Ҳукумат бор-ку, фахрий бўлсам, бу бахт. Аммо сал-пал ишлаб туришим керак эди-да...

Шундай кунларнинг бирида маҳаллалик муаллим дўсти Ҳиндистонга саёҳатга бориб қайтгани, ҳиндилар айниқса маймунларни, умуман барча жонзотларга озор бермай асрашини, мабодо сигирлар қисир бўлиб қолса шохлари учига жез пойнак ўтқазиб, пешонасига ун суриб, кўчага чиқариб юборишларини ҳикоя қилиб берган эди. Семиз ва озода молларни мутлақо қассобдан асрашларини ҳам, кўчаларда автобус бекатларига ўхшатиб, эгасиз, дайди сигирларга бошпана қуриб берганликларини ҳам айтган эди. Бу сигирлар кўчада юриб, бирон баққолнинг яшикдаги апелсину-бананларини еса ҳам уриб ҳайдамасликларини, асфальт йўл ўртасида ётиб дам олсалар машиналар тўхтаб қолиши ёки ёнидан ўтиб кетиши, хуллас, ҳиндилар сигирларга, умуман жонзотларга озор бермай эътиқод билан қарашларини оғиз тўлдириб айтиб берди.

Бу гаплар Мўминжон акада қаттиқ таассурот қолдирди.

Мен шўрлик юриб туришим керак эди, деди тўшакда ётган Мўминжон почтачи, энди бирон эшикка борсам, сиз вазифангиздан бўшагансиз, нима қиласиз келиб, десалар керак.

Ўзини бардам сезиб юрган Мўминжон ака якшанба куни Тўқли Жаллоб маҳалласи томон борган эди, ёнғоқли ҳовлидаги олапар уни кўриб, негадир ириллади. Даҳшатли важоҳат билан тишининг оқини кўрсатди. Ё, тавба! Бу кўппак унинг ишдан бекор бўлганини қаёқдан билди экан? Ёки маълум вақт келмагани сабабли ётлашдимикан? Бу ҳам ҳолва... Чойхонадаги баъзи ошналари ҳам унга нисбатан сал тортилиб қолганини муомалаларидан сезди. Ҳа, сенларга тез-тез қўйиб берсам яхши эдим-да, энди керак бўлмай қолдимми, деди ичида юраги зирқираб.

Орадан кўп ўтмай Мўминжон-почтачи кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Болалари доктор чақиришди, дори-дармон қилишди, «Тез ёрдам» машинаси ҳам серқатнов бўлиб қолди. Охир-оқибат касалхонага ётқизишди. Бир неча ҳафтадан сўнг, тузалгандай бўлиб яна уйига қайтиб келди. Хуллас, ғайрати ичига сиғмай елиб-югуришга одатланган почтачи ётиб қолди. Унинг хаёлидан қадрдон дўсти ҳикоя қилган ҳиндиларнинг қисир сигири асло кетмасди. Ҳиндилар бундай сигирларни иззат-икром билан аста-секин кўчага чиқариб юборадилар. У ҳам ҳиндиларнинг сигирига ўхшаб қолдимикан?

Бу дунё ғанимат. Почтачининг ётиб қолганини маҳалла-кўй — гузар аллақачон эшитган эди. Баъзи яқинлари кўнгил сўраган каби кириб кўриб чиқишди ҳам.

Кунлардан бир куни нима ҳам бўлиб почта бошлиғи Ҳасановнинг ёдига лоп этиб Мўминжон ака тушди. У юмшоқ креслосидан дик туриб, қабулхонасига чиқди:

— Ҳой, Асалхон, Мўминжон акани кўрасизларми? Бу томонларга келгани йўқми? Жим бўлиб кетди-а?

— Пенсияга чиққандан кейин нима бўларди. Силқовланиб юрганини эшитган эдим. Ишқилиб, бирон бало бўлмасин-да, айрим совуқ гаплар ҳам эшитувдим, бу ёғи кекса одам...

— Йўғ-е! — деди турқи совуқ Ҳасанов куюнгандек, — нима, билмай қолибмизми? Ўлибдими? Уйига одам юбориш керак-а? Тезда хабар олайлик. Тағин юқоридан бизга гап тегиб ўтирмасин!

— Анови Саримсоқдан сўранг. У Эски шаҳарда туради. Мўминжон аканинг ўзи уни ишга олиб келган эди.

— Саримсоқбой, ҳей, Саримсоқ!

— Лаббай, ака!

— Эски почтачи Мўминжон акани танирмидинг?

— Ҳа, у кишини ҳамма танийди.

— Ўсал бўлиб ётганини эшитганмидинг? Нега жимиб кетди?

— Билмадим. Шу бугун автобусда эшиклари ёнидан ўтдим, дарҳақиқат эшикда бир-иккита одам турган эди.

— Айтмадимми! Демак, ўлибди... Во-о-о-й, бу дунёда ҳеч ким қолмас экан! Яхшилар ҳам ўлади, ёмонлар ҳам ўлади... Саримсоқбой, дарров газетага таъзия бериб кел!

— Хўп бўлади.

Эртасига шаҳар газетасининг охирги саҳифасида «Ўтганларнинг охирати обод бўлсин» сарлавҳаси остида, қора рамкада таъзия чиқди. «...Почтахона жамоаси қайғу билан маълум қиладики, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, Республикада хизмат кўрсатган Алоқа хизмати ходими Мўминжон Фидоев бевақт вафот этди. Марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиламиз».

Таъзия чиқди. Охирги саҳифага кўз ташлаган Ҳасанов негадир хўрсиниб қўйди. У сўнгги инсоний бурчини бажаргандай бўлди. Бу хурсандликданми ё қайғуданми, билиб бўлмасди. Оллоҳ шоҳид, у ҳамма нарсадан воқиф, албатта бу хўрсиниш қайғудан эмас эди. Шундан сўнг Асалхонни, Саримсоқбойни олиб, ўз машинасида Мўминжон ака ҳовлисига жўнашди. Тезда етиб келиб, эшикка боқишди. Негадир ҳувиллаган, одамлар йўқ. Йиғи-сиғидан ҳам дарак йўқ, жим-житлик. Эҳтимол уч кунлиги ўтиб кетгандир, деди Ҳасанов ўзига ўзи. Саримсоққа имо қилди, у эшикни тақиллатди. Бир муддатдан сўнг кўримсизгина эски ўймакор эшик «ғийқ» этиб очилиб, уларнинг рўпарасига новча, шоп мўйловли «марҳум» Мўминжон аканинг ўзи чиқди. Ҳасановнинг ранги оқариб, унга тикилганича бақа бўлиб қолди.

— Э, келинглар, марҳамат, ичкарига киринглар! — деди Мўминжон ака илтифот кўрсатиб. Унинг қўлида шу бугунги газета, охирги бетдаги «таъзия»га ҳам кўзи тушганлиги илжайганидан сезилиб турарди.

— Сизни кўргани келган эдик, — деди Ҳасанов девор бўлиб, оқариб. У асабийлашса лаблари титраб, кўзлари шилпиқланарди, — англашилмовчилик бўлибди... Бизни чалғитишибди... Юзга кирасиз!

— Ҳижолат бўлманг, менинг бу билан учинчи бор «ўлишим». Бандасининг қўлидан ҳеч нима келмайди! Оллоҳ таоло қанча умр берган бўлса шуни кўрамиз. Қани, ичкарига киринглар, азизларим, қадрдон ҳамкасбларим! Мени ҳам йўқлаб келадиганлар бор экан-ку! Маҳалламиздаги бир ўқитувчи ҳазиллашиб мени ҳиндиларнинг дайди сигирига ўхшатган эди, мутлақо тўғри эмас! Мени ҳеч ким кўчага ҳайдаб юборгани йўқ!

Оёқлари тортмайроқ учовлон ўлгудай ўсал бўлиб, ичкарига киришди. Мўминжон аканинг қизлари дарҳол дастурхон тузаб, нозу неъматлар қўйишди, чой олиб киришди...

• *Атама ва тушунчалар*

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

АУДИТОР ФИРМА — корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма; одатда акционер жамият ёки кооператив шаклида фаолият қилади, ўз хизмати учун ҳақ олади. Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қоидаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълон этилмайди. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар **аудиторлар** деб аталади. Улар вақтбай ишлаб, хизмат ҳақи ишланган кун ҳисобига қараб тўланади. 1990 йили хорижда аудиторлар ҳар кунги иши учун 500 дан то 1500 долларгача хизмат ҳақи олган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам дастлабки аудитор фирма ташкил топган. Аудитор фирма хизмати ғоят муҳим, шу сабабли акционерлик — тижорат банклари, айрим йирик компаниялар молиявий аҳволига кафиллик берувчи расмий аудитор фирма белгилаб қўйилади. Шунингдек, корхоналар аудитор фирмалар хизматидан фойдаланиб, ўзларининг молиявий аҳволидан чуқурроқ хабардорликка эга бўлади. Ўзбекистонда 1992 йилдан «Ўзбанкаудит» банклараро акционер жамияти иш олиб боради, банклар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналар, колхозларнинг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси бўйича экспертизалар ўтказади.

АУКЦИОН (лотинча сўз) — махсус қимошди савдо бозорлари, товарларни талабгор харидорларга сотиш усули. Аукцион савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича (мўйна, қоракўл тери, ювилмаган жун, чой, ҳўл мева, сабзавот, балиқ, от, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, антиқа буюмлар ва б.) ўтказилади. Аукцион олдиндан эълон қилинган вақтда даврий: ҳар куни, ҳар ойда, муайян ойларда ёки йилда бир марта товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсумига ва ҳажмига қараб ўтказилади. Харидорлар савдо бошлангунига қадар аукцион омборларига қўйилган товар ёки унинг намунаси (лот) билан танишадилар. Савдо вақтида лотлар каталогда кўрсатилган тартибда навбатсиз савдога қўйилади, харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилгани товарни сотиб олади. Битимлар оғзаки ёки шартли белгилар воситасида тузилади. Қарзни тўлашга қурби етмайдиган қарздорлар мулки ҳам мажбурий аукцион шаклида сотилади.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — муайян жамиятда кишиларнинг жисмоний, ижтимоий, интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда эришилган турмуш, меҳнат, маиший шароитлар мажмуи. Унинг асосий мезони—аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Турмуш даражаси аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмол қилиш ва маиший хизматнинг умумий ҳажми; ноозиқ-овқат молларини ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси ва сифати; реал даромадлар, иш ҳақи миқдори; ижтимоий истеъмол фондларидан тушадиган даромадлар ҳиссаси; меҳнат шароити, иш ва бўш вақтларнинг давомийлиги ва мазмуни; уй-жой шароитлари; халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда бошқа сифат ва миқдор кўрсаткичлари тизимида ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ишсизликнинг кўпайиши, нархнавонинг талаб ва таклиф асосида кескин кўтарилиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли пасайиши мумкин. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли даромадларини индекслаш каби тадбирлари қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

БАЛАНС — мувозанат— муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Халқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Халқ хўжалиги соҳалари, моддий, тармоқлараро, тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика фонда, асосий фондлар қиймати балансларн, аҳоли пул даромадлари ва ҳаражатлари балансн, бухгалтерия балансн, тўлов балансн ва бошқа балансслар мавжуд.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 8. VIII

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Ишбилармон".
18.35 **Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан.** Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестри ижросида тинчлик ҳақида қўшиқлар.
19.10 "Осойишталик посбонлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Маънавият ва маърифат".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ".
22.20 **ЎзТВ хазинасидан.** В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "ДАН: йўлингиз бехатар бўлсин!".
20.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "БУ БЎСТОН АРО".
21.00 "Деҳкон химмати".
21.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
22.00—23.30 "Ота меҳрини кўрмаганлар". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Сиз яратган боғ".
20.25 Душанба куни детектив. "Арзон-гаров хонадон атрофидаги машмашалар". Бадиий фильм. "Эркюль Пуаро" сериалидан.
21.25 "Клип-антракт". А. Пугачева.
21.30 — 22.25 "Ҳақиқат онлари".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.00 "И. Бродский билан бирга сайр". 2-кўрсатув.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Д. Чейз асарлари экранда. "Хавфли хисобланади". Бадиий фильм (Италия).
22.25 — 22.55 "Спорт юлдузларини саралаб..." Яхши ният ўйинлари.

Чоршанба, 10. VIII

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Дубравка".
9.50 Лотин алифбоси.
10.20 "Аждодлар мероси". Кинодастур.
11.00 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.10—12.15 В. Шекспир. "Отелло". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Болалар меҳмонхонаси".
18.40 "Ёшлик" студияси. "Армонли дунё".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дутор ва танбур тароналари.
20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ". 1-кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **"Шаҳар бедарвоза эмас...".**
22.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Спринт".
20.15 "Ёшлар ижоди".
21.00 "Тошкент: шаҳар юмушлари".
22.00—23.45 "Матонат". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Янги чизиқ".
20.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
21.30 "Ҳеч ким унутилмайди".
21.35 "Оддий кун".
22.10 "Атом сирлари". Видеофильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.30 "Альбатрос"нинг сўнгги рейси". Бадиий фильм. 2-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Комедиялар рицари". Эраст Гарин.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.45 — 23.00 Федерико Феллини фильми. "Кема эса сузиб борарди" (Италия).

Пайшанба, 11. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Дўстим Коля".
10.00 "Афсоналар ороли", "Аҳиқлар ҳақида ҳикоялар". Телефильмлар.
10.25 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.35 Кичкинтойлар учун. "Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб".
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талаба бўлиш осонми?".
11.35—12.15 "Бола бошидан...", Мактабгача тарбия масалалари.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Фан ва ишлаб чиқариш.
18.40 "Навоийхонлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Пахтакор-79" хотираси. "Армонда кетган 17 ўғлон".
20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **"Хирмон тўлиб тўкилди дон..."** Республика ғаллакорларининг меҳнат ютуқларига бағишланган кўрсатув.
23.05 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Ситора" (Душанбе).
00.35—01.00 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" таквими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 "Рек-тайм".
21.15 "Репортер".

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.30 — 23.40 "Альбатрос"нинг сўнгги рейси". Бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Йўлбошчи".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 1994 йил қўшиқлари.
21.35 — 23.15 "Парадиз йўли". Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

Жума, 12. VIII

ЎзТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 Болалар учун фильм. "Митти қочоқ".
10.15 "Ўлкамни куйлайман". Кинодастур.
10.55 Эстрада концерти.
11.25 "Замин қалбига қулоқ тут". Телефильм.
11.55—12.25 "Мозийдан ёғдулар". Абулғози Баходирхон.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Оромгоҳлар қўйнида".
18.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ёшлик" студияси. "ЭЪЗОЗ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **Бевосита мулоқот.** Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш тўғрисида.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 "Маърифатнома".
22.05 Хофизлар хониш қилганда.
22.35 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Копетдоғ" (Ашгабад).
00.05 — 00.30 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Қалбингда қуёш порласин".
20.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ВАТАН ТУЙҒУСИ".
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Тошкент оқшомлари.
22.25 — 23.55 **Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига.** "Батька". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.50 Спорт кўрсатуви.
20.55 "Маски-шоу".
21.25 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 — 22.50 "Ғолиб". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.05 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 — 23.00 С. Синьоре, И. Монтан, С. Сандрелли "Полиция, Питон-357" детектив фильмида (Франция, ФРГ).

Шанба, 13. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 "Кичик сержант". Бадиий фильм.
10.00 "Пахтакор-79" хотира турнири. Финал. "Навбаҳор" (Наманган) — "Сўғдиёна". (Жиззах).
10.50 "Хотира". Чустий лирикаси.
11.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбектелефильм": изланиш ва муаммолар". Кинокўрсатув.
12.35 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
13.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Телевизион театр. Тўлан Низом. "Учар юлдуз".
14.20 — 14.50 "Халқ ижодиёти". Оилавий ансамбллар, лапар ва катта ашулалар республика танлови ғолибларининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.30 "Оламни асранг!".
18.50 "Мулоҳаза". Ўзбек удумлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Айём нафаси". Телефильм.
20.05 "Рақслар гулдастаси". Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримова саҳналаштирган.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 **Истиқлол жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 Ф. Галлер. "Малика". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.55 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.10 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" таквими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.50 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.35 "Дарвоқе...".
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Шифокор маслаҳати. Бевосита мулоқот.
22.10 — 23.10 "Мусиқали меҳмонхона".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.00 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
11.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Илк одимлар". Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати.
12.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлида".
12.35 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
12.50 "Уммондан томчи".
13.25 "Кашфиётлар оламида".
14.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
14.20 "Жаҳон ва биз".
14.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбекистон — қадрдон уйим".
15.40 "Бу ажиб дунё".
***

18.00 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Овросие-ТВ" таништиради: "Аделаида". Бадиий фильм.
21.30 "Мутлақо махфий".
22.20 "Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22,25 — 23.30 "Нечипоровка табассуми". Телевизион бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.40 Россия юлдузлари Патриархлар ховузи бўйида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 — 22.35 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Мархумнинг мактуби". Телевизион бадиий фильм (АҚШ).

Якшанба, 14. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 **Истиқлол жамоли.**
8.35 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 79 — 80-сериялар.
10.05 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.35 "Ўзбекистон композиторлари". Мирсодиқ Тожиев.
11.15 Қурувчилар куни. "Бунёдкор".
11.45 "Ёшлик" студияси. "Оқ ва қора".
12.40 "Халқ севган достонлар". Рўзимбек Муродов ижросида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони.
13.40 "Хотира". Адабиётшунос Шарофиддин Шарипов.
14.30 — 15.00 Болалар учун. "Умида рақсга тушади".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Истиқлол жамоли.**
18.05 "Ёртиқулоқ ва ялқовлар". Мультфильм.
18.15 "Цирк! Цирк! Цирк!".
18.55 **"Водий оҳанглари".** Фарғона вилояти филармонияси артистларининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Қалб садолари". Қурувчилар кунига бағишланган мусиқий дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 **Истиқлол жамоли.**
21.35 Эълонлар.
21.40 "Ойнаи жаҳонда...".
22.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА."БИР ЎЛКАКИ...".
23.00 "Кино усталари". Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева.
23.50 — 00.20 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 Эълонлар.
17.50 Видео — "О".
19.40 Эълонлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.30 Эълонлар.
20.35 "Даракчи".
20.45 "Салом, ёшлар!". Мусиқий кўрсатув.
21.25 Эълонлар.
21.30 Видео — "О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.20 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
11.45 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
12.20 "Ташрифлар ва таклифлар".
12.35 "Авлодлар".
13.15 "Озгина-ю, созгина".
13.30 "Ариран" (корейс тилида).
14.00 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.15 "Истиқлол истиқболи".
14.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.05 "Сиз ёқтирган қўшиқлар".
15.40 "Бу ажиб дунё".
***

18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 "Эй-Би-Си" якшанба оқшомида. "Бир кундан кейин". Бадиий фильм.
21.50 "Ксюша ҳузурида".
22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.30 "О муҳаббат". Телевизион бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 "Гаспарлар". Бадиий фильм (Франция — Бельгия).
20.10 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет.
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.55 Катталар учун мультфильмлар.
22.20 — 23.00 "Бир боқишда муҳаббат".

• Спорт

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

● Эртага Санкт-Петербург шаҳрида «Яхши ният ўйинлари» халқаро мусобақасига якун ясалади. Кичик олимпиада тарзида ўтган бу мусобақанинг охирида жаҳон ва Россия терма жамоалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказиш мўлжалланган.

Мусобақада майдон эгалари — Россия спортчилари медаллар тўплашда, рекордлар ўрнатишда пешқадамлик қилишмоқда. Улар ҳисобидаги олтин медаллар 50 тадан ошиб кетди. АҚШ ва Куба спортчилари II ва III ўринларда боришмоқда. Ўзбекистон спортчилари ҳам совринли ўринларга эга бўлишди. Жумладан, эркин курашчи Рамиль Исломов, найза улоқтирувчи Оксана Яригина, боксчи Ҳикматилла Аҳмедовлар бронза медалларини қўлга киритдилар.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!

ҚАДОҚЛАШ ВА ЖОЙЛАБ ЎРАШ ЎСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРО

ҚАДОҚЛАШ ВА ЖОЙЛАБ ЎРАШ ЎСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА ТАЖРИБА КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРО (ОКБРУ)

ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ВА ЯХШИ СИФАТ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ:

— **сабзавот майдалагичлар,** унумдорлиги турлича (соатига 1500 кг ва 350 кг); **шарбат сиқгичлар,** (унумдорлиги соатига 200 литр);
— **қуюқсимон озиқ-овқат маҳсулотларини шиша банкаларга жойлаштириб металл қопқоқчалар билан бекитиш линиялари** (унумдорлиги соатига 1200 банка);
— **ҳар қандай озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини қўйиш линиялари** (линия таркиби: қадоқлаш машинаси, жойлаб ўраш машинаси, озиқ-овқат суюқликларини текшириш учун машина, машиналар ўртасидаги транспорт алоқалари, этикет-автомат жойлаш машинаси, унумдорлиги соатига 3000—6000 бутилка);
— **озиқ-овқат** (майиз, компот аралашмалари, майда макарон маҳсулотлари, чой, туз, гуруч, қалампир, сут, парҳез, сузма) ва **ноозиқ-овқат** (минерал ўғитлар, доривор ўсимликлар, суюқ совун тозаловчи кукунлар) **маҳсулотларини пленкали материаллардан бўлган пакетларга жойлаштириш учун автоматлар; унумдорлиги минутига 40 та пакеттача, миқдори 50 граммдан 3 килограммгача;**
— **винолар, қайноқ сабзавот пульпаларини тортиш учун қўчма насослар** (шнекли, плунжерли, марказдан қочирма);
— **термоусадкали пленкаларга буюмлар гуруҳини жойлаш учун линиялар;**
— **пуфланган ва қўйилган пресс — формалари;**
— **истеъмолчи талаби бўйича бошқа ноандазавий қадоқлаш ва жойлаб ўраш ускуналари.**

МАНЗИЛГОҲ: 700025, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 70.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ: (3712) 55-16-11, 55-16-22.
ФАКС: (3712) 55-14-70.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли толиблар, агар сиз дунёвий ва диний фанларни биргаликда ўрганиш ниятида бўлсангиз, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳамкорлигида очилган «Фатх Имом Хатиб» лицейига марҳамат қилинг.

Ҳужжатлар 1994 йил 10 сентябргача суҳбат орқали лицей биносида қабул қилинади. Лицейга 9-синф маълумотига эга, 16 ёшгача бўлган ўғил болалар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинган толиблар кунига 3 маҳал бепул иссиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Лицей мудирига ариза.
2. Соғлиғи ҳақида маълумотнома.
3. Маълумоти ҳақида ҳужжат (Аслидан нусха).
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
6. 6-дона сурат (5×6) ҳажмида.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

Тошкент вилояти, Занги-Ота тумани, Назарбек қишлоғи, Ҳ. Олимжон кўчаси-23.

КОД: 294. ТЕЛ. 46-275.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон акциядорлик, тижорат, саноат, қурилиш банки жамоаси Навоий вилояти Учқудуқ бўлимининг бошқарувчиси вазифасини бажарувчи **Бисенбой ОРАЗИМБЕТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Илғор» жамоа корхонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси корхона таржимони **Дилфуза БОБОХЎЖАЕВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.40
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.